

## РЕАЛИТИ-ШОУЛАР ОММАЛАШУВИ ВА АСОСИЙ МАВЗУЛАР

**Хуршидабону Назарова**  
**ЎзДЖТУ тадқиқотчиси**

XIX асрнинг ўрталарида телевидение пайдо бўлганидан сўнг тележурналистиканинг ниҳоятда хилма-хил жанрлари пайдо бўла бошлади. Бу жараён айниқса, Farb давлатларда фаоллик билан кечиб, молиявий даромад олишга бўлган интилиш бир биридан антиқа йўналишдаги теледастурлар пайдо бўлишига олиб келди. Реалистик телевидение, реалити-шоу дастурларининг фаол оммалашшига ғайриоддий сюжет, ўзига хос қурилиш дизайнни, жанр хусусиятлари ва илгари қўлланилмаган маҳсулотнинг бадиий ва ифодали воситалари ҳам ёрдам берди. Янги экран тасвири жамоатчилик ва профессионал муҳитда кенг резонансга сабаб бўлди. Шундай қилиб, телевидение тарихида аввал кўрилмаган дастурнинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши учун асос яратилди.

Рус олимаси С.Уразова реалити ТВ ҳақида шундай ёзади: “Агар янги жанрга ишлаб чиқарувчи – профессионалларнинг ўзида қизиқиш уйғотмаганида Реалити ТВ бу қадар оммавий тус олмас, чинакамига глобал равища тарқалмаган бўлар эди. “Big Brother” дастури 1999 йилда Нидерландияда биринчи марта пайдо бўлганидан сўнг, (“Endemol” компанияси) тез суръатлар билан кўпая бошлади, чегаралар ва қитъаларни кесиб ўтди, баъзан трансформациялашиб, “юзини” таниб бўлмас даражада ўзгартирди. Бу орқали қонунийликни мукаммал ифодалаб берди”<sup>30</sup>.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида ОАВ у қадар эркин фаолият юритмаганини ҳаммамиз яхши биламиз. 2017 йилга келиб, Ўзбекистон сиёсатида шаффофлик, очиқлик атамалари қўлланилиб, матбуот ва оммавий коммуникациялар йўналишида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу биринчи навбатда хусусий нашрлар, телеканаллар фаолияти жонланиб қолганида яққол кўзга ташланди. Кўнгилочар жанрлар орқали омма, телетомошибинлар эътиборига тушишни истаган хусусий телеканалларда телевизион журналистиканинг замонавий, оммабоп йўналишлари кўпайди. Булар орасида реалити-шоу дастурлари алоҳида ўрин тутади.

Биринчи ўринда хусусий миллий телеканалларимизда реалити шоу йўналишининг “Шоу подглядывания” (“Яширин тарзда кузатиш шоуси”) оммалашди. Боиси олимларнинг ўрганишича, кимнидир ёки ниманидир

<sup>30</sup> Уразова С.Л. Реалити-шоу: особенности и принципы моделирования. М.: 2011. С.61.  
<http://www.ipk.ru/ftpgetfile.php?id=111>.

яширин тарзда қузатишни Ер юзи аҳолисининг аксарият қисми яхши кўради. “Яширин камера” кўрсатувлари турли каналларда намойиш этилган бўлса-да, улар ичида энг муваффақиятли ҳамда бир вақтнинг ўзида муваффақиятсизи ҳам МУ5 телеканалида намойиш этилганидир. Яширин тарзда қузатиш шоусида қаҳрамонлар оддий одамларнинг ўзи бўлгани туфайли ҳам эътиборни тортади. Мавзулар ҳам жуда содда, жўн. Унинг иштироқчиси бўлиш учун алоҳида билим ва савия талаб қилинмайди. Шунчаки, яширин камера суратга олинаётган жойда бўлиб қолишининг ўзи ётарли. “ЗўрТВ” орқали томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган “Хафа бўлиш йўқ” кўрсатуви ҳам реалити-шоунинг яширин тарзда қузатиш шоуси йўналишига киради.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хусусий телеканалларда бир неча мавсум ва қисмлардан иборат реалити-шоулар ҳам эфирга узатиб келинмоқда. Масалан, бир неча йилдан бери “Севимли” телеканали орқали эфирга берилаётган “Олов пазанд” кўрсатувини олайлик. Мазкур лойиҳани реалити-шоунинг “Шоу профи”лар йўналишига киритиш мумкин. Унда қўнгилочар функциядан ташқари томошабин ва иштироқчилар учун қатор амалий афзалликлар кўзга ташланади. Унда қатнашчилар антиқа менюлар орқали пазандалик маҳоратларини намойиш этадилар. Бу кўрсатув аудиторияси асосан хотин-қизлар бўлиб, келинликка тайёрланаётган ёки таом пиширишни ёқтирувчи телетомошабинларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Кўрсатув қаҳрамонлари сифатида эса оддий опа-сингиллар танлаб олингани, шоуга бўлган қизиқиши янада оширади.

Реалити-шоулар орасида бир неча мавсумдан иборат бўлган “Зирачча” телелойиҳаси алоҳида ўрин тутади. “Зирачча” психологик лойиҳа бўлганлиги ва ҳаётда қўп қийинчиликлар кўрган, турли табиий шароитлар туфайли тарбияси бузилган қизлар қаҳрамон сифатида танлаб олингани туфайли ҳам жамиятда жуда кўплаб баҳс-мунозаралар, тортишувларга сабаб бўлди. Кўрсатув давомида малакали психологлар қизлар билан ишлаб, уларнинг муаммоларига ечим топишга уруниши билан бирга, қатнашчилар кутилмаган турли вазиятлар орқали синовлардан ўтказилади. Телелойиҳанинг ютуғи Ўзбекистон телевидениеси тарихида ўзига хос жанрга қўл урилгани эди. Қаҳрамонлар эса бошқаларга ўrnak бўлишдан йироқ бўлган қизлардир. Вазифа эса уларни қайта тарбиялаш, руҳиятига таъсир кўрсатиш орқали ҳаётга бўлган қарashi, нигоҳини ўзгартириш. Аммо лойиҳа чет элдан тўғридан-тўғри кўчирма бўлгани, миллий менталитетимизга мослаштирилмагани туфайли кейинчалик кўплаб танқидларга ҳам учради. Масалан, кўрсатувнинг илк мавсумини тарбияси оғир қизлар билан тайёрлаб, қолган мавсумларида одатий ўзбек

оиласарида тарбияланган қизлар қаҳрамон сифатида танлаб олинганида эхтимол у қадар телетомошибинларнинг меъдасига тегмаган бўларди. Назаримизда, “Зирапча” телелойиҳасида қаҳрамон танлашда адашилди. Факат бир турга мансуб хотин-қизлар мавзуси ва ҳаётини экранда кўравериш салбий жиҳатларни ҳам юзага келтирди.

“Севимли” телеканалидаги реалити-шоулар асосан аёллар, хотин-қизлар аудиториясини қамраб олмоқда. “Олов пазанда”, “Зирапча”дан ташқари “Менинг қайнонам генерал”, “Она қизим” кўрсатувлари ҳам аёллар учун мўлжалланган эди. Мазкур кўрсатувларнинг тематикаси ҳам деярли бир хил бўлиб, биринчи навбатда аёлларга тарбия бериш, пазандалик сирларини ўргатиш, қизларни келинликка тайёрлаш каби вазифаларни қамраб олади.

Филология фанлари номзоди, доцент Н.Қосимова “Менинг қайнонам генерал” кўрсатувига баҳо бериб, куйидаги фикрларни билдирган эди: “Шу ўринда савол туғилади, айнан ана шундай реалити-шоулар жамиятда тобора кескинлашиб бораётган қайнона-келин муносабатларида янги зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмайдими? Келиннинг оила аъзоси сифатида ҳақ-хуқуқлари, дам олиши, бола тарбияси билан шуғулланиши, инсон сифатида ривожланиши, касбий жиҳатдан ўз устида ишлапши борасидаги масалалар афсуски кўрсатувда умуман қўтариilmайди. Фақатгина оиласида аёлнинг ўрни ҳақида гапирилиб, кўпроқ келиннинг бошқа оила аъзоларига тобе бўлиши кераклиги уқтирилади. Оиласида ўғилнинг ўрни, унинг тарбияси, куёвнинг аёлига нисбатан муносабати қандай бўлиши лозимлиги, бола тарбиясида ота-онанинг ўрни ҳақида деярли сўз юритилмайди”<sup>31</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам телеканаллар орқали намойиш этилаётган реалити-шоулар асосан аёллар, майший мавзулар билан ўралашиб қолган. Ҳолбуки, хотин-қизларимизни қайта тарбиялашга уриниш, уларга ҳатто ТВ орқали ҳам босим ўтказишдан муҳимроқ, қизиқарлироқ мавзулар тўлиб ётибди. Айниқса, бу каби телелойиҳалар чет элдан кўчириб олинишини инобатга олганда, эркаклар учун, ёки уларнинг мардлигини намойиш эта оладиган лойиҳалар ҳам етарлича топилади. Масалан, бутун дунёга машҳур шеф-ошпаз Гордон Рамзининг “Hell's Kitchen” - “Адксская кухня” реалити шоусини олайлик. Мазкур пазандачилик реалити-шоуси Американинг Fox телеканалида 2005 йилдан бўён муваффакиятли тарзда эфирга узатиб келинмоқда.

Шоу реалити-шоунинг класик версиясига ўхшаб тузилган бўлиб, унда барча иштирокчилар кечаю кундуз кузатув остида бўлади. Кўрсатув “юқори

<sup>31</sup> <https://nargis.uz/?p=3005,%2012.05.2020>

хиссиётга әгалиги” ва нокулай ижтимоий мухит билан ажралиб туради. Кўпинча рақобатнинг психологик таркибий қисми бошқа жиҳатлардан устун қўйилади. Бошқа қўплаб шоулар сингари, телелойиҳанинг асосий концепцияси иштирокчилар ўртасидаги рақобатдир.

Ҳар бир мавсум 12-20 иштирокчи билан бошланади ва биринчисидан бошлаб хар бир эпизодда битта иштирокчи бош соврин учун курашдан четлаштирилади (камдан-кам истиснолар билан). Fox телеканали анъаналарига кўра, бош соврин катта пул, шунинг билан бирга ғолиб элита ресторанининг бош ошпази бўлиш имкониятини қўлга киритади. Барча иштироқчилар ошпазлик қобилияtlари ва кўниқмаларида жуда фарқ қиласди, лекин умуман олганда,

Хорижий телеканаллардаги реалити-шоуларда мавзулар хилмат-хил ва топилмаларга бой. Миллий телеканаллардаги реалити-шоулар эса ижтимоий масалалар, хусусан аёллар ва уларнинг табиати билан боғлиқ бўлган мавзулар билан ўралашиб қолган. Бу эса журналистлардан янгидан-янги мавзуларга қўл уриш, ўз устида ишлаш, давр ва замон билан ҳамнафас бўлган дастурлар тайёрлашни талаб қиласди.